

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РУСТАМОВ БАХТИЁР БОЙСАРИЕВИЧ

**БЕМОРЛАР ОВҚАТ СИФАТИНИ ҚИЗИЛ ПАЛЬМА МОЙИДАН
Фойдаланиш орқали яхшилаш**

14.00.07 – Гигиена

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2018

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рустамов Бахтиёр Бойсариевич

Беморлар овқат сифатини қизил пальма мойидан

фойдаланиш орқали яхшилаш 3

Рустамов Бахтиёр Бойсариевич

Улучшение качества питания больных с использования

красного пальмового масла 23

Rustamov Bahtiyor Boysarievich

Improvement of nutrition with use of red palm oil 41

Список опубликованных работ

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works 45

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

РУСТАМОВ БАХТИЁР БОЙСАРИЕВИЧ

**БЕМОРЛАР ОВҚАТ СИФАТИНИ ҚИЗИЛ ПАЛЬМА МОЙИДАН
Фойдаланиш орқали яхшилаш**

14.00.07 – Гигиена

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib602 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) веб-саҳифасида www.tma.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziyounet.uz.](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эрматов Низом Жумақулович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ҳамрақулова Муккадасхон Аскаровна
тиббиёт фанлари доктори

Хасанова Маъмура Икромовна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Ведущая организация:

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2. Тошкент тиббиёт академияси, 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1 қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.У.Кулмонова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Овқатланиш аҳоли саломатлигини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, болаларни меъёрда ўсиш ва ривожланишини таъминловчи, узок умр кўриш давомийлигини таъминловчи, атроф-муҳитнинг нокулай омилларига организмнинг чидамлилигини оширувчи манба бўлиб ҳисобланади. Макро ва микронутриентларни етишмаслиги ёки ортиқча бўлиши, бевосита касалликларни юзага келишига сабаб бўлади (камқонлик, семизлик, эндемик буқоқ ва бошқ.) ҳамда юқумли ва ўткир респиратор касалликларга организмни қаршилигини пасайтиради, у ёки бу турдаги патологияларни (юрак қон томир тизим касалликлари, моддалар алмашинувини бузилиши натижасида юзага келадиган, овқат ҳазм қилиш тизим касалликлари ва бошқ.) ривожланишига шароит яратади¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан берилган маълумотларга кўра (2014) дунёдаги кўплаб мамлакатлар аҳолисининг $\frac{3}{4}$ қисми нотўғри овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларни юзага келиши ва ривожланишидан азият чекмоқдалар². Уларга боғлиқ ҳолда юқорида келтирилган барча касалликлар алиментар боғлиқ бўлган касалликлар ҳисобланиб, улар ушбу касалликларни нафақат ривожланишида, балким олдини олиш, даволаш ҳамда ремиссия ҳолатини ушлаш, башоратлашни яхшилашда етакчи ўрнини эгаллайди. Пальма мойи инсоният томонидан овқат тайёрлаш учун жуда қадимдан бошлаб фойдаланилган ўсимлик мойи ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунё бўйича 20 миллион тонна пальма мойи ёки бутун қайта ишланадиган мойларнинг 25%ни айнан шу мой ташкил этади. Пальма мойларидан бири «Premium Carotino» ҳисобланиб, у табиатан соғломлаштирувчи ҳисобланади. Бу рафинирланган қизил пальма мойи бўлиб, у пальма дарахтининг уруғини ўраб олган юмшоқ мевадан тайёрланади. Пальма мойи Жанубий – Шарқий Осиё ва Лотин Америкаси, шунингдек, бир қатор Европа давлатлари – Буюк Британия, Германия, Дания, Чехия ва бошқаларнинг анъанавий овқат тайёрлаш жараёнида кенг қўлланилади³. Шу билан боғлиқ ҳолда пальма мойини физик-кимёвий ва таъм берувчи хусусиятлари ҳамда биологик қийматларини, уни сақланиш шароити ва муддатларини ўрганиш долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда беморлар овқат сифатини қизил пальма мойидан фойдаланиш орқали яхшилашнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, жумладан, турли таркибдаги сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва мойлардан озиқ-овқат компонентлар сифатида фойдаланиш ҳамда пальма дарахати мева этидан тайёрланган рафинирланган қизил пальма мойи «Premium Carotino» қўллашни мақсадга мувофиқлигини, рафинирланган қизил пальма мойини тиббий биологик

¹ Хохлова Е. А. Основные источники поступления микронутриентов в суточном рационе взрослого сельского населения Чувашской Республики // Гигиена и санитария. - 2007. - №1. – С. 54-55.

² ЖССТ маълумотлари, 2014

³ Португалов С.Н. Растительное масло «Carotino» - важный элемент функционального питания.- М., 2010. - С. 59-61

хавфсизлигини токсикологик баҳолашни, мева этидан тайёрланган рафинирланган қизил пальма мойи «Premium Carotino» табиий соғломлаштирувчи, озуқавий ва биологик қиймати, кимёвий таркибини ўрганиш орқали хавфсизлигини баҳолашдан иборат.

Қизил пальма мойини меъда ичак тизим касалликлари билан оғриган беморлар ва темир етишмаслик ҳолатларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлар комплексига киритиш схемасини ишлаб чиқиш ҳамда темир етишмасликда юзага келадиган камқонликда азият чекувчи беморларни профилактикаси ва даволашда самарадорлиги, меъда ичак тизими кислоталилигига боғлиқ касалликлар билан оғриган беморларда фойдаланиш ҳолатини баҳолаш орқали соғломлаштирувчи чора-тадбирлар комплекси ва олдини олишга қаратилган гигиеник меъёрлар ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлом овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни тадбиқ этиш, касалланиш кўрсаткичларини камайтириш, овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларни олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини ошириш...»⁴ вазифалари белгиланган. Республика аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва соғлом овқатланиш мезонларига риоя қилиш турли касалликларни олдини олиш ва даволаш, аҳолини меҳнат қобилияти ва ҳаёт давомийлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида» ва «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги таъминлаш тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисида»ги 102-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий ва хорижий олимларни биокимё ва овқатланиш физиологияси соҳасидаги қўлга киритган

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

ютуклари, шунингдек сўнгги йилларда ўта замонавий технологияларни ривожланиши, метаболик бузилишларни шаклланишида алиментар омиллар ўрни ҳақида маълум даражада тасаввурларни кенгайтириш ва овқатланиш омилини аҳоли саломатлигига таъсири ҳақида билимларга эга бўлишга имкон беради (Davis C. L., et al 2005; German J. V. et al 2003). Пальма мойини озуқавий ва биологик қийматини ўрганиш, касалликларни олдини олиш ва даволаш мақсадида Швецариянинг витаминлар институти, Австриянинг юрак Фонди, Жанубий Африка ва Сингапур кардиология Фонди олимлари томонидан илмий изланишлар олиб борилган. «Premium Carotino» - Буюк Британия, Португалия, Япония, Австрия, Ҳиндистон, Малайзия, Сингапур, Болтиқ бўйи, Россия ва бошқа давлатлар аҳолиси томонидан ижобий баҳоланган ва кенг фойдаланилмоқда (С.Н.Португалов 2006). Мазкур муаммони тиббий-биологик аспекти бир қатор хорижий муаллифларнинг ишларида ўз аксини топган (В.И.Дергаусов, 2006; Л.В.Засорина, 2006; Н.И.Рожкова, 2007 ва бошқ.). Овқатнинг турли компонентлари (макро ва микронутриентлар) ва ўсимлик табиатига эга бўлган табиий биологик фаол бирикмалар, шунингдек, уларнинг гидролизи натижасида ҳосил бўлувчи фаол метаболитлари генлар экспрессиясига, оксил ҳамда ферментлар синтезига бевосита ёки билвосита таъсир этувчи кучли омил бўлиб ҳисобланади. Бу модда метаболик жараёнларнинг йўналиши, махсуслиги ва кинетик ўзига хослигини белгилаб беради. (Roche H.M., Mutch D. M.). Узок хорижлик қатор олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишларда шу нарса исботландики, алиментар омиллар таъсирида юзага келувчи нутригеном ва протеом бузилишлар сўзсиз метаболизмнинг микдорий ўзгаришларига олиб келади, бу эса мослашув – компенсатор механизмдаги силжишларга сабаб бўлиб, буларнинг натижасида бир қатор касалликларни, яъни, атеросклероз, юрак ишемик касалликлари, гипертония, қандли диабет, семизлик, ўт-тош касаллиги, остеопороз ва бошқа касалликларни ривожланишга олиб келади (Dannsey M. J et. Al., 2001; Zesel S. H; 2005). Мазкур муаммонинг тиббий биологик аспекти бир қатор МДҲ давлат муаллифлар томонидан ҳам ўрганилган (В.И.Дергаусов, 2006; Л.В.Засорина, 2006; Н.И.Рожкова).

Ўсимлик мойларнинг озуқавий ва биологик қиймати, физик-кимёвий ва органолептик хусусиятлари, уларнинг сифати ва сақлаш муддатининг давомийлиги шунингдек, уларни аҳолининг турли қатламлари саломатлик ҳолатига кўрсатадиган таъсири устидан охириги 30 йил давомида бир қатор етакчи ўзбек олимлари: Бобоҳўжаев Н.В., Вахобова Д.З., Глушенкова А.И., Зоиров М, Зайниев М.Ф., Исмаилов М.Н., Махкамов Х.М., Назарова И.П., Попова Н.Г., Хамидов Н.И., Бойкулов А.А., Худойберганов А.С., Э.Б. Наврўзовлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган, бироқ қизил пальма мойининг аҳоли саломатлик ҳолатига таъсири, шунингдек турли касалликларни олдини олиш ва даволашдаги ўрни республикамизда ўрганилмаган.

Яққол кўришиб турган ҳолат ва муаммони ўрганишнинг муҳим амалий аҳамиятига қарамасдан ушбу йўналишдаги илмий ишларнинг мавжуд эмаслиги мазкур илмий тадқиқот ишини олиб боришга сабаб бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғликлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турли гуруҳлари саломатлик кўрсаткичларини тиббий-биологик, ижтимоий-гигиеник, экологик, бошқа ҳаёт тарзи омиллари таъсири ва аҳоли саломатлик кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш орқали мажмуавий ўрганиш» (2013-2016 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади беморлар овқат сифатини қизил пальма мойи «Premium Carotino»дан фойдаланиш орқали яхшилаш чора-тадбирларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пальма дарахати меваси этидан тайёрланган рафинирланган қизил пальма мойи «Premium Carotino»ни қўллаш мақсадга мувофиқлигини асослаш;

қизил пальма мойи «Premium Carotino»ни тиббий-биологик хавфсизлигини токсикологик баҳолаш;

қизил пальма мойи «Premium Carotino»нинг табиий соғломлаштирувчи, озуқавий, биологик қиймати ҳамда кимёвий таркибини ўрганиш;

қизил пальма мойини меъда ичак тизими касалликлари билан оғриган беморлар ва темир етишмаслик ҳолатларини даволаш ва олдини олиш чора-тадбирлар комплексига киритиш схемасини ишлаб чиқиш;

темир етишмасликда юзага келадиган камқонликда азият чекувчи беморларни даволаш ва олдини олишда рафинирланган қизил пальма мойи «Premium Carotino»дан фойдаланиш самарадорлиги меъда ичак тизимдаги кислоталиликка боғлиқ касалликлар билан оғриган беморларда фойдаланиш ҳолатини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти Малайзиянинг «RAGMURSA» ОАЖ томонидан ишлаб чиқарилган, рафинирланган қизил пальма «Premium Carotino» мойи, тажриба ҳайвонлари (зотсиз оқ эркак каламушлар), шунингдек, ўн икки бармоқ ичак яраси, темир етишмаслик камқонлиги билан хасталанган 25 ёшдан 55 ёшгача бўлган 35 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида рафинирланган қизил пальма мойи «Premium Carotino»ни озуқавий ва биологик қиймати, кимёвий таркиби, унинг тажриба ҳайвонларида тиббий биологик хавфсизлигини токсикологик баҳолаш, меъда-ичак ҳамда темир танқислиги билан хасталанган беморлар қони ва ЭГДФС кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда органолептик, физик-кимёвий, токсикологик, тажриба, клиник ва статистик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ўз аксини топади:

илк бор пальма меваси этидан тайёрланган рафинирланган «Premium Carotino» қизил пальма мойининг табиий соғломлаштирувчи хусусияти ҳамда озуқавий, биологик қиймати, кимиёвий таркиби илмий асосланган;

пальма дарахати мева мағизидан тайёрланган рафинирланган қизил пальма мойи «Premium Carotino»ни тиббий-биологик хавфсизлиги тажриба ҳайвонларида токсикологик жиҳатдан баҳоланган;

темир танқислик камқонлиги билан хасталанган беморлар учун мева этидан тайёрланган «Premium Carotino» қизил пальма мойи қўшилган миллий таомли даволаш парҳезини қўллаш орқали исботланган;

меъда ичак касалликлари билан оғриган беморлар касалликни даволаш ва профилактик комплексларга қизил пальма мойини қўшишнинг тизимли тартиби исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мева этидан тайёрланган рафинирланган қизил пальма мойи «Premium Carotino»ни органолептик кўрсаткичлари аниқланган;

рафинирланган қизил пальма мойи «Premium Carotino»ни физик-кимёвий кўрсаткичлари баҳоланган;

«Premium Carotino» рафинирланган қизил пальма мойини тиббий биологик хавфсизлиги токсикологик жиҳатдан баҳоланган;

ошқозон ичак тизими билан хасталанган беморларда олиб борилган кузатувлар натижасида мева этидан тайёрланган «Premium Carotino» рафинирланган қизил пальма мойини табиий соғломлаштирувчи клиник самарадорлигини аниқлаш даволаш амалиётида илк бор ўтказилган;

мева этидан тайёрланган «Premium Carotino» рафинирланган қизил пальма мойини темир танқислик камқонлик касаллигида самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, маҳсулотнинг етарли миқдорда танланганлиги, тажриба ҳайвонлари ва беморлар сонининг етарлилиги, клиник, органолептик, физик-кимёвий, токсикологик усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти пальма дарахати мағизидан тайёрланган рафинирланган қизил пальма мойи «Premium Carotino»нинг табиий соғломлаштирувчи токсикологик кўрсаткичлари, озуқавий ва биологик қиймати, физик-кимёвий кўрсаткичлари, органолептик кўрсаткичларини илмий асосланишида ўтказилган тадқиқотлар натижаларини илмий аҳамияти ўз аксини топиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пальма дарахати

уруғларини ўраб турувчи этидан тайёрланган рафинирланган қизил пальма мойи «Premium Carotino»ни табиий соғломлаштирувчи, рафинирланган қизил пальма мойини беморлар рационига киритишни асослаш, ушбу рационни эса беморларнинг умумий ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиши, беморларни ақлий, жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилаш, ҳаёт сифатини ошириши, беморларни касалхонада даволаниш муддатини қисқартириши, шунингдек, инвазив ҳамда медикаментоз аралашув фоизини қисқартиришни асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Беморлар овқат сифатини қизил пальма мойидан фойдаланиш орқали яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Қизил пальма мойидан овқатланишда фойдаланишнинг тиббий биологик асослаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 25 майдаги 8н-д/128-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма пальма дарахати мева этидан тайёрланган «Premium Carotino» мойининг органолептик, физик-кимёвий ва тиббий биологик хавфсизлиги баҳолаш имконини берган.

«Қизил пальма мойидан овқатланишда фойдаланишнинг тиббий биологик асослаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 25 майдаги 8н/128-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма қизил пальма мойи «Premium Carotino»ни темир танқислик камқонлиги ва ошқозон ичак тизими касалликлари билан хасталанган беморларда касалликни даволаш ва хавф омилларини камайтириш имконини берган;

беморлар овқат сифатини қизил пальма мойидан фойдаланиш орқали яхшилашга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси диетология илмий амалий маркази клиник амалиётига, ООО «AFSUN MAYSA» акциодорлик жамиятининг ишлаб чиқариш фаолиятига, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Гигиена кафедраси ва Тошкент тиббиёт академияси ўқув жараёнига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 12 июндаги 8н-з/124-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши «Premium Carotino» табиий соғломлаштирувчи, рафинирланган қизил пальма мойининг токсикологик жиҳатдан хавфсиз, озуқавий ва биологик қийматини юқори таркибида токотриеноллар ўртача миқдори $675 \pm 72,1$ ни, бошқа ёғларда бу модда мутлақо бўлмаслиги ҳамда камқонлик билан хасталанган беморларда гемоглобин кўрсаткичи 10 дан 15,8 г/лга ошганлиги, касалликнинг клиник белгилари 25% камайганлиги ҳамда беморлар ҳаёт сифати яхшиланганлигини имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қизил пальма мойи «Premium Carotino»ни беморлар овқатланишида фойдаланишнинг замонавий аспекти»** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммога тааллуқли бўлган илмий нашрлар таҳлили келтирилган. Жумладан, витаминларнинг молекуляр таъсир механизми ва физиологик вазифалари, овқат мойи ва уларнинг аҳамияти, шунингдек, овқат мойларининг асосий манбалари аниқланди. Қизил пальма мойи «Premium Carotino»нинг овқатланишдаги профилактик ва даволаниш мақсадида қўллашга принципиал ёндошув кўриб чиқилди, бунинг натижасида у муҳим амалий ҳамда аниқ перспектив аҳамият касб этади.

Диссертациянинг **«Қизил пальма мойи «Premium Carotino»ни беморлар овқатланишида фойдаланишни баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот предмети ва объектлари, шунингдек қўлланилган тадқиқот усуллари баён қилинган.

Тадқиқотнинг асосий объекти бўлиб, «Premium Carotino» қизил пальма мойи ҳисобланади. Ушбу мой учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг 10 март 2015 йилдаги №2282280 сонли гигиеник сертификати ва № UZ. АМТ. 07.МАИ, 090 сонли аккредитация гувоҳномалари мавжуд. Мазкур мой Малайзиянинг «RAGMURSA» ОАЖ томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, уни ишлаб чиқаришга, олиб келишга, фойдаланишга рухсат берилган. Бундан ташқари тадқиқот материали сифатида соя, маккажўхори, кунгабоқар, зайтун мойлари, зотсиз оқ каламушлар, темир етишмаслик камқонлик касаллиги ҳамда меъда ичак тизим касалликлари билан хасталанган беморлар киради.

Тадқиқот предмети қаторида қизил пальма мойини озукавий ва биологик қиймати, кимёвий таркибини ўрганиш, лаборатор ҳайвонларда

тиббий – биологик ҳавфсизлигини токсикологик баҳолаш, темир танқислик камқонлиги беморларида касалликни олдини олиш ва даволашда қўллаш самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, меъда ичак тизим кислоталилиги билан боғлиқ касалликларни олдини олиш ва даволашда қўллаш каби кўрсаткичлар киради.

Қўйилган вазифаларни ҳал этишга боғлиқ равишда тадқиқот усуллари танлаб олинди. Уларга органолептик, физик-кимёвий, токсикологик, экспериментал, клиник ва статистик усуллар фойдаланилган.

Қизил пальма мойи ҳавфсизлигини токсикологик баҳолаш лаборатор ҳайвонларда олиб борилди. Бунда бошланғич оғирлиги 140-160 грамм бўлган зотсиз (эркак) оқ каламушларда сурунали тажрибанинг уч серияси қўйилди. Тажриба давомийлиги 45 кунни ташкил этди, бунинг асосий сабаби, ўрганилаётган мой озиқ-овқат тайёрлашда ўсимлик мойи сифатида кенг қўлланилади. Бунда ҳайвонлар икки гуруҳга бўлинди: алоҳидаланган катакларда тажриба ва назорат ҳайвонлари бўлиб, бу катакларга истеъмол қилинган сувни қайд этиб бориш учун бюреткалар бириктирилди. Қизил пальма мойини маҳаллий қичиштирувчи таъсири оғирлиги 160-200 грамм бўлган оқ каламушларда ва оғирлиги 350-500 грамм бўлган денгиз чўчкаларида ўрганилди. Кўзнинг шиллиқ қаватига кўрсатадиган маҳаллий таъсири куёнларда олиб борилди. Қизил пальма мойининг аллергиялик самара намунаси денгиз чўчкаларида бир марталик тери ости сенсублизацияси йўли билан ўрганилди.

Тажриба ости ҳайвонлари кулоқ терисига 0,02 мл намуна эритмаси, назорат гуруҳ ҳайвонларига эса худди шунча миқдорда физиологик эритма юборилди. Бир марталик сенсублизациядан 11 кундан кейин, эпикутан аппликация курси ўтказилди. Аллергик реакциянинг намоён бўлиш даражаси қон хужайралари реакцияси ёрдамида баҳоланди. Уларга лейкоцитларнинг махсус лизиси ва агрегацияси (РСЛЛ ва РСАЛ) ҳамда терини кўзгатувчи синамалари киради.

Қизил пальма мойининг озуқавий ва биологик қийматини ўрганиш бўйича комплекс тадқиқотларнинг якуний қисми инсонлар иштирокида ўтказилиб, биринчи босқичда темир танқислик камқонлигининг турли даражалари билан оғриган беморларни даволашда мойни камқонликка қарши самараси ўрганилди. Бунда кузатув остида темир танқислик камқонлик касаллигидан азият чекувчи 90 нафар беморлар киритилган бўлиб, улар 3 гуруҳга бўлинди (ҳар бир гуруҳда 30 нафардан бемор). Бунда гуруҳларга ажратишда камқонликнинг даражаси асос бўлди: биринчи гуруҳ - енгил, иккинчи гуруҳ - ўрта ва учинчи гуруҳ - оғир шаклдаги гуруҳга киритилган беморлардир. Барча гуруҳ беморлари стандарт 15 парҳез столини қабул қилдилар. асосий гуруҳ беморлари 15 столга қўшимча равишда кун давомида тушлик ва кечки овқатда 1-2 ош қошиқдан (7,35 мг) суюқ мой қабул қилдилар, бу миқдор қонда холестеринни миқдорини оширмади. (Н.И.Рожкова., 2006). «Premium Carotino» қизил пальма мойининг камқонликка қарши таъсирини ўрганиш учун беморларнинг қон зардобиди темир моддасининг даражаси, қонда эса - гемоглобин концентрацияси,

шунингдек, эритроцитлар миқдори аниқланди. Даволаш курси 15-20 кунни ташкил этди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида қизил пальма мойини меъда ичак тизим органларининг кислотали муҳитига боғлиқ касалликлари билан азият чекувчи беморларга кўрсатадиган таъсири ўрганилди. Беморлар 1 парҳез билан бирга (асосий гуруҳ) ҳар куни 3-4 қошиқ мой қабул қилдилар. Бунда назорат остида меъда ичак тизим касалликларидан азият чекувчи 50 нафар бемор олинган. Барча беморларда ЭГДФС, эндоскопик текширишлар, шунингдек, қоннинг умумий таҳлили ўтказилди. Даволаш курси 20-25 кунни ташкил этди. Текшириш гуруҳига гастродуоденал патология билан азият чекувчи 21-55 ёшли 35 нафар ҳар икки жинс вакиллари киритилган (ўн икки бармоқ ичак ярасининг эрозив шаклини қўзғатиш босқичи, эрозив гастрит, эрозив-ярали эзофагит). Беморлар ёзма равишда клиник тадқиқотларда иштирок этиш истагини билдирган. Тадқиқотда иштирок этувчи шахслар шартли равишда икки гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳга (назорат) 15 нафар бемор киритилган бўлиб, улар стандарт терапия қабул қилдилар. Иккинчи гуруҳга 20 нафар бемор киритилган бўлиб, улар асосий касалликда қабул қилинадиган дори воситалари ва унга қўшимча равишда «Premium Carotino» мойини қабул қилдилар. Ҳар икки гуруҳдаги беморлар ёш жиҳатдан бир-бирига мос бўлиб, улардаги касалликни кечиши ҳам бир бирига ўхшашдир. Уларга «Premium Carotino» мойи қуйидаги схема бўйича буюрилди: Ўн икки бармоқ ичак яра касаллигининг зўриқиш фазасида 28 кун давомида кунига бир марта, нахорга бир ош қошиқдан; зўриқиш фазасида меъда яра касаллигида ва эрозив-яра эзофагитида 28 кун мобайнида нахорда кунда бир марта бир ош қошиқдан; меъда ичак трактининг эрозив-яралар билан шикастланишида 28 кун давомида кунига бир марта нахорга бир ош қошиқдан қабул қилишди. Барча беморларда клиник тадқиқотлар ўтказилди, улар шикоятларини йиғиш, касаллик анамнезини тўплаш ва беморларни кўрикдан ўтказиш кўринишида бўлди. Бунинг натижасида шу нарса аниқландики, беморлар асосан жиғилдон қайнаши, кўнгил айниши ва шунингдек пилородуоденал зонадаги оғриққа шикоят қиладилар.

1-жадвал

Текширилувчи мой самарадорлигини баҳолаш, балл

балл	самарадорлик	Клиник белгилари
4 балл	юқори	даволаш охирига келиб, тўлиқ клиник соғайиш, клиник ва инструментал кўрсаткичларни меъёрлашиши
3 балл	ўртача	шикоятларни ўрта миқдорда камайиши, клиник ва эндоскопик текшириш кўрсаткичлари яхшиланади
2 балл	паст	шикоятларни сезиларсиз камайиши, клиник кўрсаткичларни сезиларсиз яхшиланиши
1 балл	самарасиз	ўзгаришларни йўқлиги ёки даволаш охирига келиб клиник ва лаборатор - инструментал кўрсаткичларни ўзгаришсиз қолиши.

Барча беморларга ЭГДФС, жигар, ўт қопининг ультратовушли текшируви, эндоскопик текширишлар ўтказилди. Беморларда текширишлар натижасида шиллиқ қаватлар шиши, шиллиқ қаватлар гиперемияси, қизилўнгач эрозияси ёки яраси, меъда эрозияси ёки яраси, ўн икки бармоқ ичакнинг эрозияси ёки яраси аниқланди. Уларда кўшимча равишда гастроэзофагиал рефлекс ҳамда умумий қон таҳлили ўтказилди. Текширилувчи мой самарадорлигини баҳолаш 1-жадвалда келтирилган мезонлари асосида балли схема бўйича ўтказилди.

Самарадорлик кўрсаткичларини қайд қилиш бевосита бемор текширувдан ўтказилгандан сўнг ва лаборатор-инструментал тадқиқот маълумотлари олингандан сўнг ўтказилади. Миқдор кўрсаткичлари кўринишидаги маълумотлар статистик қайта ишланди ва бунда махсус дастурлардан фойдаланилди. Қизил пальма мойини қабул қила олиш беморлар томонидан маълум қилинган субъектив симптомлар ва ҳис қилиш асосида баҳоланди ва даволаш даврида тадқиқотчи томонидан олинган объектив маълумотлар асосида баҳоланди, шунингдек, ножўя таъсирнинг юзага келиш сони ва характери ҳам ўрганилди.

Тадқиқотчи беморлар томонидан дори воситасини ўзлаштира олиш даражасини 2-жадвалда келтирилган баллар тизимида баҳоланди.

2-жадвал

Беморларнинг дори воситасини қабул қилиш таснифи

балл	Ўзлаштириш таснифи
4	жуда яхши (ножўя таъсир қайд этилмади)
3	яхши (беморлар учун жиддий муаммо туғдирмайдиган ва кейинги мой миқдорини қабул қилиш ва таъқиқлаш талаб этмайдиган, ножўя таъсир кузатилади)
2	қониқарли (ўрганилаётган мойни қабул қилиш таъқиқланмайди, бемор саломатлигига таъсир этувчи ножўя таъсир кузатилади)
1	қониқарсиз (нохуш ножўя таъсир кузатилади, бемор саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, қабул қилинадиган мой миқдори ман этилади)
0	ўта қониқарсиз (кучли ножўя таъсир, тадқиқ қилинаётган мой миқдори қатъий тақиқланади, кўшимча тиббий чора-тадбирларни қўллаш талаб этилади)

Тадқиқотлардан олинган натижаларга Pentium IV компьютерида Microsoft Office Excel 2013 дастурий тўплами ёрдамида ҳамда ўрнатилган статистик ишлов бериш усулларида фойдаланилган ҳолда статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «Қизил пальма мойи «Premium Carotino»нинг **озуқавий қиймати**» деб номланган учинчи бобида қизил пальма мойининг озуқавий кўрсаткичлари тақдим этилган бўлиб, унда ҚПМдаги кислоталар сони КОН 0,68 мг тенг бўлиши аниқланди; қизил пальма мойини озуқа моддаси сифатида эмас, балки биологик фаол модда (БФМ) сифатида ишлатилишини ҳисобга олсак, мойдаги кислоталар сон кўрсаткичи йўл қўйиладиган меъёр доирасида эканлиги маълум бўлади. Мойдаги йодлар


сони-72,2%±7,8% бўлиб, бу сон мойни моноен мой кислоталарига жуда бойлигини кўрсатди. Мазкур мой кислоталари газ суюқлик хроматография усули билан аниқланди. Совунланувчи моддаларни чиқиши 1,45%ни ташкил этади. Каратиноидларнинг масса улуши миллиграмм, %ларда-45,0 мг% (450 мг/кг)ни ташкил этди. «Premium Carotino» қизил пальма мойининг асосий кўрсаткичларини ўрганишда, мойдаги каратиноидлар миқдори 525 мг/кгни ташкил этди (адабиёт манбаларида кўрсатилганидан бир оз кам (550 мг/кг)). Бошқа турдаги мойлар ўз таркибида каратиноидларни сақламайди. ҚПМдаги каратиноидларнинг баъзи қисми организмда «А» витаминга айланади. Провитамин «А» – каратиноидлар ўсимлик мевасининг атрофида тўпланади ва яхши антиоксидант хусусиятга эга бўлади. Каратиноидлар организмни ҳавфли ўсма ва юрак-қон томир касалликларида, томир деворларини холестерин тўпланишидан ҳимоя қилади, жигарда каротинлардан ҳосил бўлган «А» витамини инфекциялар билан курашувчи, ўпка эпителий ва терининг ҳимоячиси, парранда кўрлиги ҳамда сариқ доғни ҳосил бўлишига қарши курашувчи воситадир. ҚПМдаги токофероллар, Е витамин миқдори 325±31,5 ни ташкил этади, соя мойида 89±14,3, маккажўхори мойида 780±42,1, кунгабоқар мойида 550±61,7, шунингдек зайтун мойида эса 50±10,5ни ташкил этади. Каратиноидларнинг қолган қисми Е витамин билан биргаликда (қисман токотриеноллар билан) иммун тизимни яхшилашда муҳим ўрин тутди, бунда у кислородни зарарли фаол шаклларида ўз таъсирини кўрсатади. Е витамин кўплаб дориларга нисбатан юрак-қон томир касалликлари, юрак хуружларининг сони ва интенсивлигини камайтиради, юрак ишемик касалликлари натижасида юзага келадиган ўлим ҳолатларини камайтиради, томирларни атеросклеротик ва чандикли пиллакчалар ҳосил бўлишидан сақлайди, триацилглицеридларни чиқариб юборишга ёрдам беради ва тозаланувчи артерияда «яхши» холестерин миқдорини оширади. Шунини таъкидлаш зарурки, ҚПМ таркибида токотриеноллар 675±72,1ни ташкил этади, бошқа мойлар таркибида улар аниқланмайди. Токотриеноллар, токоферолларга нисбатан янада самарали антиоксидант ҳисобланади, чунки унинг ёнбош тўйинмаган занжири жигар ва миядаги тўйинган ёғ қатламига яхши кириб боришига ёрдам беради. Токотриеноллар ҳавфли ўсмалар ҳосил бўлиш ҳавфини, ДНКни зарарланиши ва ҳужайраларга шикаст етказиш ҳолатини камайтиради, спонтан гипертензияга учраган каламушлар оғзидан юборилган пальма мойи комплекс таъсири натижасида уларнинг миясида токотриеноллар даражасини ортиши аниқланди. Токотриеноллар қабул қилган каламушларда инсульт натижасида юзага келадиган жароҳатлардан юқори даражали ҳимоя мавжудлигини кўрсатди, бу назорат гуруҳига нисбатан солиштирилганда аниқланди (бундай кўшимчалар қабул қилинмаган). Ушбу тадқиқот шуни кўрсатдики, пальма мойи комплексини оғиз орқали қабул қилиш натижасида, унинг таркибидаги токотриеноллар калий молекуляр пунктлар (сSc ва 12- липооксигенез)га таъсир этиб, глутаматдан ҳимоя қилади ва инсульт натижасида юзага келган нейродегенерацияни олдини олади ва оқибатда табиий шароитларда инсультдан ҳимоя қилади. ҚПМда пальмитин кислотанинг улуши юқори

бўлиб, у тўйинган ва монотўйинмаган ёғ кислоталарининг 24%ини ташкил этади, бу кўрсаткич кунгабоқар мойига нисбатан 2-3,5 марта ортиқ бўлди. 18:2 мойининг улуши эса 4 марта кам бўлди. ҚПМда эссенциал мой кислоталарининг паст улуши, Е витамин ва каратиноидларнинг юқори миқдори ҳисобига нивилирланди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҚПМни меъёрда қўллаш - озуқавий моддаларни яхши ўзлаштирилишига имкон яратади, жигар ферментларини фаоллаштиради, қизил қон таначаларини гемоглобин захирасини оширади, шунингдек иммун тизим ишини яхшилади. Миядаги қон айланишини ҳамда хотирани яхшилади.

Диссертациянинг «Қизил пальма мойининг тиббий-биологик ҳавфсизлигини токсикологик баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида «Premium Carotino» қизил пальма мойини юзага чиқиши мумкин бўлган токсик хусусиятларини тажрибада тадқиқ қилиш материаллари келтирилган. Тажрибада иштирок этган ҳайвонларда олиб борилган кузатувларда назорат гуруҳ ҳайвонларида ҳам, тажриба гуруҳ ҳайвонларида ҳам уларнинг умумий ҳолати ва ўзини тутиши қониқарли ҳолатда бўлди. Барча ҳайвонлар фаол бўлиб, берилган овқатни иштаҳа билан истеъмол қилдилар. Ҳайвонларнинг жун қопламаси ва кўринадиган шиллиқ қаватлар ўзгаришсиз қолди. Ўтказилган тажриба давомида ҳар куни ҳайвонларга бериладиган овқати, ичилган суви, ажратган экскрементлари қайд қилиб борилди.


Ўрганилаётган маҳсулотни организмга кўрсатадиган ножўя таъсирига оддий ва жуда сезгир кўрсаткич бўлиб, ҳайвонларнинг тана оғирлик динамикаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳар 5 кунда ҳайвонлар тана вазни ўлчаб борилди. Бунда ўзгаришлар тажриба гуруҳида аниқланди (1-расм). Тажрибадан кўриниб турибдики, тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан тана вазнида ижобий ўзгаришлар мавжудлиги аниқланган.



1 расм. Қизил пальма мойи билан озиклантирилган тажриба ҳайвонларнинг вазни кўрсаткичларининг ўзгариши, г

Тана оғирлигини аниқлаш билан бир қаторда ички органларнинг оғирлик коэффиценти ҳам баҳоланган, тажриба гуруҳ ҳайвонларида ички органлар оғирлиги интакт гуруҳ кўрсаткичларидан кам фарқланмади.

Шундай қилиб ўрганилаётган «Premium Carotino» қизил пальма мойини рационга киритиш каламушларнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Овқатни тажриба гуруҳида ҳам, назорат гуруҳида ҳам тана оғирлигининг 100 граммга нисбатан берилиши учун улар орасида айтарли фарқни келтириб чиқармади (2-расм).



2-расм. Қўшимча овқат истеъмол қилгандан кейин 100 грамм каламушларнинг тана вазн кўрсаткичлари

Ҳайвонлар овқатини камайтириш қонуниятига кўра, улар томонидан ажратиладиган экскрементларни камайишига олиб келади. Экскрементни визуал кўришда каламушлар томонидан мойни яхши ўзлаштирилганлигини кўриш мумкин.

Тажриба гуруҳ ҳайвонларида 100 грамм тана оғирлигига нисбатан сув истеъмоли юқори эканлиги аниқланди. Тажриба давомида кузатувга олинган ҳайвонларни ўзини тутиши ва соматик статуси бўйича ҳеч қандай ўзгаришлар қайд этилмади.

Қизил пальма мойи «Premium Carotino»нинг маҳаллий тириштирувчи таъсири оғирлиги 160-200 грамм бўлган оқ каламушларда ва тана оғирлиги 350-500 грамм бўлган денгиз чўчқаларида ўрганилди. Бунинг учун қизил пальма мойи «Premium Carotino»ни ҳайвонлар қорин терисида олдиндан тайёрланган 2x2 смли, туклари қириб ташланган майдончага натив препарат кўринишида сурилди. Ҳайвонларни 4 соат давомида фиксация қилинди. Кузатув давомида ҳайвонларни нобуд бўлиши ёки қандайдир захарланиш ҳолатлари кузатилмади.

Қизил пальма мойи «Premium Carotino» билан бундай 4 соатлик мулоқот шароитида оқ каламуш ва денгиз чўчқалари терисида структур-функционал ўзгаришлар ва захарланиш белгилари қайд этилинмади. Бундан шундай

хулоса қилиш мумкинки, қизил пальма мойи «Premium Carotino» тери таъсирлантирувчи хусусиятга эга эмас.

